



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 38 (12.099)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Давлатимиз байроғи — муқаддас. Зеро, ундаги ҳар бир ранг, ҳар бир белги чуқур маъно-мазмунга эга.

Ушбу миллий тимсолимизни ҳурмат қилиш, уни тасвирлаш ва ўрнатилган тартиб-қоидаларга риоя этиш бурчимиздир. Шу боис, давлат байроғини тикиш ва тайёрлаш катта масъулият талаб этади.

Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган «A'lo o'rnad rivoj» масъулияти чекланган жамияти 2000 йил ўтказилган тендерда ғолиб чиқиб, Ўзбекистоннинг давлат байроғини тикиш шарафига муяссар бўлди.

— Юртимиз байроғи ҳилпиратганда кўнглимиз гурур-ифтихорга тўлади, — дейди мазкур жамият раҳбари Махбурахон Қодирова. — Ана шу ифтихор туйғуси бизни ўз ишимизга масъулият билан ёндашишга, давлатимиз байроғини жаҳон андозаларига мос, барча қонун талабларига риоя қилган ҳолда тайёрлашга ундайди.

Корхонамизда дастлаб турли ҳажмдаги 4-5 минг донагача байроқ тиккан бўлсак, ҳозир 10 минг донагача шундай маҳсулот тайёрлаш имконияти мавжуд. Улар орасида стол устига қўйиладиган энг кичик байроқчадан то 25x80 метр катталиктидаги байроқларгача бор.

Жорий йилда Лондонда бўладиган Олимпия уйинларида иштирок этиш учун ўтказилаётган саралаш мусобақасида тўп сураётган Ўзбекистон олимпия терма жамоаси футболчиларига Австралия вакиллари билан бўладиган уйин олдидан давлатимизнинг 25x80 метр ўлчамдаги байроғини совға қилдик. Бундай қўллаб-қувватлашдан руҳланган футболчиларимиз 2:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

Мамлакатимизда кичик бизнесни ривожлантириш, жаҳон

стандартларига мос маҳсулотлар ишлаб чиқариш, янги иш ўринлари яратиш учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Хусусан, ишбилармон аёлларни қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётди.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Фармони аёлларнинг давлат

Тадбиркорлик

ҚАЛБ ҚЎРИДАН ЯРАЛАЁТГАН МАҲСУЛОТЛАР

ва жамият қурилишидаги иштирокини янада фаоллаштириш, ўз қобилият ва салоҳиятини намоён этиши учун кенг имкониятлар яратишда муҳим омил бўлмоқда.

Махбурахон Қодирова 1996 йилда Олмазор тумани Янги себзор маҳалласида «Махбура-Муяссар» ўқув марказини ташкил этиб, хотин-қизларга тикувчилик, пазандалик, парда тикиш, қандолатчилик сирларини ўргатиш, кам таъминланган оилалар фарзандларини бепул ўқитиш, «Устоз-шогирд» аъёнларини давом эттиришни йўлга қўйди.

Уша йили тадбиркор тикувчилик цехини ташкил этди. Бу ерда дастлаб икки киши ишлаган бўлса, ҳозир масъулият



— Болалигимдан тикувчиликка қизиқман, — дейди Захро. — Коллежда ҳам шу йўналиш бўйича таҳсил оляпман. Корхонада амалиёт ўташ жараёнида кўп нарсаларни ўргандим.

Маҳсулотлари сифати билан харидорлар эътиборини тортаётган корхона 2011 йили 45 миллион сўмлик имтиёзли кредит олди. Бунинг эвазига янги тикувчилик дастгоҳлари харид қилиниб, қўшимча 12 иш ўрни очилди.

— Кўрсатилаётган эътибор, ғамхўрлик туфайли биз, аёллар оила, рўзгор билан бирга тадбиркорликни ҳам удалаётганимизда хурсандимиз, — дейди М.Қодирова. — Фарзандларим эл қорига ярайдиган инсонлар бўлиб вояга етди.

Хозир уларнинг ҳар бири ўзининг доимий ишига эга. Бу мамлакатимизда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, оилани мустаҳкамлаш, униб-ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол инсонлар этиб вояга етказиш учун кўрсатилаётган доимий эътиборнинг амалдаги самараларидир.

Сайёра ШОЕВА,
Ўза муҳбири

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси ҳамон хорижий мамлакатлар ижтимоий-сиёсий ва эксперт-таҳлил доиралари вакиллари билан мулоқот қилмоқда.

«ЎЗБЕКИСТОН 2012 ЙИЛДА ҲАМ УЛКАН МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЭРИШАДИ»

Мамлакатимизнинг Шанхайдаги Бош консуллик томонидан ўтказилган брифингда пухта ўйланган ислохотларнинг натижаси ўлароқ, Ўзбекистон иқтисодиёти тўхтовсиз ўсиб бораётгани қайд этилди.

Шанхай Халқаро тадқиқотлар Академиясининг Марказий Осиё ва Россия маркази директори ўринбосари Цян Сяоюн Президент Ислам Каримов раҳбарлигида олиб борилаётган оқилона сиёсат, самарали равишда ҳаётга татбиқ этилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ҳамда республикада табиий бойликларнинг мавжудлиги мамлакатни барқарор ривожлантириш ва халқ фаровонлиги ошиши имконини берди.

Унинг фикр билдиришича, жамиятда барқарорликка эришмасдан туриб жадал иқтисодий тараққиётни қўлга киритиб

бўлмайдди. Шу маънода у Ўзбекистоннинг минтақадаги тинчлик ва барқарорликни сақлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари ва аҳамиятини ҳам юқори баҳолади.

«Яқунланган йилда ялпи ички маҳсулот ўсиши 8,3 фоизни ташкил этгани Ўзбекистоннинг дунёдаги изчил ривожланаётган иқтисодиётга эга бўлган мамлакатлар сирасига киришини кўрсатади. «The Economist Group» гуруҳининг «Economist Intelligence Unit» таҳлил бўлими 2011 йилнинг бошида Ўзбекистонни дунёдаги иқтисодиёти тез ривожланаётган ўнта мамлакатдан бири сифатида эътироф этгани бежиз эмас. Ишончим комилки, Ўзбекистон 2012 йилда ҳам барқарорлик ва тараққиёт борасида улкан муваффақиётларга эришади», дея баёнот берди Ц.Сяоюн.

(Давоми 2-бетда)

СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИ — МАМЛАКАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ

Тошкентда Европа Иттифоқи билан ҳамкорликда «Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишга кўмаклашиш» лойиҳасини амалга оширишга бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди. Лойиҳадан қўзланган мақсад Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов томонидан Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концептисидида белгиланган вазирлар ижросини таъминлаш доирасида суд-ҳуқуқ соҳасида давом этаётган ислохотларни қўллаб-қувватлашдан иборат.

Конференция Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий суди, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги томонидан Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси ва лойиҳага жалб этилган Европа Иттифоқи мамлакатларидаги ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил қилинди. Унда хорижий экспертлар, Ўзбекистон парламенти аъзолари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар иштирок этди.

Ўзбекистонда мустақилликка эришилгач, барча соҳаларда ҳуқуқий демократик давлат қуриш мақсадида ҳаётга татбиқ этиб келинаётган кенг қўламли ислохотларнинг асосий мақсади инсон ҳуқуқлари, эркинлик ҳамда манфаатларини ҳар томонлама таъминлашдан иборат. Президентимиз томонидан белгилаб берилган қонун устуворлиги принципи асосида суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва эркинлаштириш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

(Давоми 2-бетда)

ҚИСҚА САТРАПДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **ТОШКЕНТДАГИ** ўзбек-япон марказида таълим, соғлиқни сақлаш, қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришга қаратилган 9 та грант шартномаси имзоланди.

✓ **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида «Гиёҳвандлик ёмон иллат» мавзусида маданият уйининг бадий ҳаваскорлик жамоалари, ўқув курслари, тўғрақлари қатнашчилари иштирокида маънавий-маърифий давра суҳбати ташкил этилди.

✓ **БУГУН** «Хиёбонтёпа» маҳалласида мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий йўналишдаги изчил ислохотлар, ёшлар тарбияси, оғоҳлик, тинчлик, хотин-қизларнинг жамият ва оила ҳаётидаги роли борасидаги бир қатор мавзуларни қамраб олган тадбир бўлиб ўтди.

✓ **ЭРТАГА** Маънавият тарғибот маркази Юнусобод туман бўлими томонидан «Осиё» кинотеатрида тумандаги ўрта таълим муассасалари ўқувчилари иштирокида «Жасур» фильмининг тақдими бўлиб ўтади.

XXI сақоси
Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Андижон вилоятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш кафолатлари тизимини яратишга бағишланган семинар ташкил қилинди.

• 2011 йилда «Ангрен логистика маркази» ёпиқ акциядорлик жамияти томонидан Қамчиқ довини орқали 4 миллион 200 минг тонна юк ташилди. Бу кўрсаткич 2010 йилдагига нисбатан 1,3 баробар кўп эканлиги инобатга олинса, мамлакатимизда логистика марказлари фаолияти тобора жадаллашаётгани яққол аён бўлади.

• Шеробод туманидаги «Маржон файз мебель» хусусий корхонасида намунавий лойиҳадаги турар жойлар қурилиши учун эшик ва дераза ромлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Мазкур лойиҳани рўёбга чиқаришда банкнинг 50 миллион сўмлик кредитидан самарали фойдаланилди.

• Конимех туманидаги «Абдураим-авлод» хусусий корхонасида нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга иختисослаштирилган технологик линия ишга туширилди. Бунинг учун замонавий дастгоҳлар келтириб ўрнатилди.

ЖАҲОНДА

• «Sky News» нашрининг ёзишича, Канадалик дорбоз Ник Валлендага Ниагара шаршараси бўйлаб тортилган пўлат аркон устидан юриб ўтиши учун рухсат берилди. 2011 йилнинг декабрь ойида дорбознинг шаршара бўйлаб юриб ўтишига Ниагара боғи комиссияси қаршилик кўрсатганди. Бироқ дорбоз қўзланган мақсади иш берса, бу жараёни томоша қилиш учун келган сайёҳлардан мўмайгина пул ишлаб олиш мумкинлигини тушунтирди. Шундан сўнггина раҳбарият томошани ўтказишга розилик билдирди. Маълум бўлишича, сўнгги марта бундай томоша 1896 йили намойиш этилган.

• Швейцариянинг Лозанна шаҳридаги федерал политехника мактаби олимпия олимпияти коинот чиқиндиларидан тозалайдиган «Clean Space One» сўнгий йўлдошини яратишга киришган. Янги ишланма катта ҳажмдаги чиқиндиларни ҳам ўзининг манипуляторлари ёрдамида олиб олишга қодир. Чиқинди билан тўйинган сўнгий йўлдош охир-оқибат атмосферанинг зич қатламида ёқиб юборилади. 2015-2017 йилларда орбитага чиқарилиши мўлжалланаётган сўнгий йўлдош лойиҳаси 11 миллион АҚШ долларига баҳоланмоқда. АҚШ стратегик кўмондонлиги берган маълумотларга кўра, коинотда ҳажми 10 сантиметрдан катта 19 мингта, 1 сантиметрдан катта 600 мингта чиқинди мавжуд. Уларнинг ҳажми кичик бўлса-да, юқори тезлиги катта хавф туғдиради.

• Мексиканинг Гватемала билан чегарадош бўлган қирғоғида 5,3 балли zilзила содир бўлди. Ер силкинишининг маркази Тапачула шаҳрининг жануби-ғарбидан 87 километр узоқликда бўлиб, zilзила 63 километр ер остида рўй берган. Бу ҳодисадан жабр кўрганлар ёки талафотлар йўқ.

• Япониянинг Осака шаҳрида жойлашган Умэда метро бекатида содир бўлган кучли ёнғин натижасида уч мингдан ортиқ одамларни хавфсиз жойларга кўчиришга тўғри келди. Воқеа содир бўлган жойга 29 та ўт ўчириш машинаси жалб қилинган. Ушбу ҳодиса шаҳар метрополитенини ҳаракатига катта таъсир кўрсатиб, 120 мингдан ортиқ одамлар йўлларда ушланиб қолган.

«ЎЗБЕКИСТОН 2012 ЙИЛДА ХАМ УЛКАН МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЭРИШАДИ»

(Давоми. Боши 1-бетда)
Шанхай Ижтимоий Фанлар Академиясининг Россия тадқиқотлари маркази директори Пан Давэй қайд этганидек, Ўзбекистон Президентини маърузасида ўз ифодасини толган муваффақиётлар жаҳон иқтисодиётида инқироз давом этаётганига қарамадан бу республиканинг илмий-таълимий билан ривожланиб бораётганидан далolat беради. Унинг фикрича, Ўзбекистонда бир неча йиллардан буён бюджет профицити, расмий захираларнинг юқори даражаси, давлат қарзининг паст кўрсаткичи, банк тизими барқарорлиги кузатилаётгани ва ялпи ички маҳсулоти ўсишининг давом этаётгани эътиборга сазовордир.

«Дикқатга молик бўлган далил ва рақамлар сирасига кирадиган кўйидаги жиҳатларни ҳам қайд этмаслик мумкин эмас: 2011 йилда экспорт маҳсулотлари ҳажми 2010 йилга нисбатан қарийб 15,4 фоизга кўпайгани ҳолда 15 миллиард доллардан кўпроқни ташкил этгани ва бу 2000 йилга нисбатан 4,6 баробар зиёд эканлиги, жами сармояларнинг 73,5 фоиздан ортиғи ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга йўналтирилган ва инвестицияларнинг қарийб 45,3 фоизи замонавий, юксак самарали асбоб-ускуналар харид қилишга йўналтирилган мамлакатда юқори даражадаги иқтисодий фаолликнинг мавжуд эканлигидан далolat беради», дея таъкидлади эксперт.

У, шунингдек, Президент Ислам Каримовнинг мамлакат аҳолиси даромадлари ва турмуш даражаси тўғрисида ўсиб бораётгани тўғрисида иқтисодий ва ижтимоий соҳалар ҳамда аҳолининг истеъмолчилик имкониятлари ривожланиб бораётгани ҳақидаги фикрларига ҳам эътибор қаратди.

«2012 йил учун тасдиқланган Давлат бюджети жами харажатларнинг 60 фоиздан ортиғини социал соҳа ва аҳолининг ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтириш кўзда тутилган Ўзбекистонда ижтимоий аҳамиятга молик салмоқли дастурлар ҳаётга татбиқ этилишини аналтади. 2012 йил Ўзбекистонда «Мустақам оила йили», деб эълон қилинган ҳам маъруза маърузада қайд этилган. Бу ҳам Ўзбекистонда оилага, демак инсонга эътибор бирламчилигидан далolatдир», деди П.Давэй.

«Жаҳон» АА Шанхай

(Давоми. Боши 1-бетда)

Суд-ҳуқуқ соҳасида муносабатларни тартибга солишни, халқаро нормаларга мос қонунчилик шаклланиши ва мунтазам тақомиллаштиришда. Кейинги беш йилда бу борада қарийб 60 тегишли қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Босқичма-босқич ислохотлар доирасида судлар иқтисодлаштирилди, кассация институти ислох қилиниб, суд ишларини қайта қўришни апелляция тартиби, ярашув институти жорий этилди, суд фаолиятининг барча босқичларида томонлар тенглиги таъминланди. Мамлакатимизда 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб ўлим жазоси бекор қилинди, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилди. Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштириш жараёнида қўллаб қўйилган жиноятлар таъминоти бўла боради 75 фоизи ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди. Конференцияда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазيري Н.Йўлдошев, Олий суд ҳузуридаги тадқиқот маркази директори Ж.Ҳайдаров, Бош прокуратура ҳузуридаги олий ўқув курслари бошлиғи Т.Умаров, Ички ишлар вазирлигининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш босқичлари бўла боради И.Турғунова ва бошқалар шуларни қайд этди.

Конференциянинг хорижий қатнашчилари суд-ҳуқуқ тизимининг инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштирилиши бутун дунёда катта қизиқиш уйғотгани ва Ўзбекистоннинг демократияни ривожлантириш йўлидан қатъий ҳамда оғишмай бораётганидан далolat беришини таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ ҳамда ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш борасида янги босқични бошлаб берди. Ушбу дастурий ҳужжатда «Хабас корпус» институтини қўллаш соҳаларини кенгайтириш, суднинг мустақиллиги ва холислигини таъминлаш механизмларини янада ривожлантириш, суд жараёнида ўзаро тортишувни қучайтириш, жиноят қонунчилигини либераллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга доир кенг қўламли чора-тадбирлар комплекси белгиланган. Хорижий экспертлар Президент Ислам Каримов белгилаб берган чора-тадбирлар гойа долзарблиги, тизимлиги, пухта ўйлангани ва мамлакатни илмий демократик ривожлантириш мақсадларига тўлиқ жавоб беришини алоҳида қайд этдилар.

Ўзбекистон Президентини томонидан қўйилган вазибалар ижросини таъминлаш давомида халқаро ҳуқуқ стандартларини миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш давом этмоқда, уларни амалда қўллаш тақомиллашмоқда. Бунда БМТ Тараққиёт дастури, ЕОҚТ ва бошқа халқаро ташкилотлар билан халқаро ҳамкорлик муҳим ўрин тутаетир. Европа Иттифоқи билан мулоқот фаол ривожланмоқда, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларни қўллаб-қувватлашга оид қатор қўшама лойиҳалар амалга оширилди.

Уч йилга мўлжалланган маъруза янги «Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилишга қўмаклашиш» лойиҳасида ҳуқуқий муҳофаза қилиш органларига қонун устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини тақомиллаштиришда салоҳиятни ошириш, жиноят ишлари бўйича суд фаолиятида оидил судловни амалга оширишда жавобгарлиқни қучайтириш, шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий хабардорлигини оширишга қўмаклашиш кўзда тутилган.

Тадбирда сўзга чиққан Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси раҳбари Норбер Жустен лойиҳа турли мамлакатларнинг бундай устувор соҳадаги энг яхши тажриба ва амалиётини жорий этишга қаратилган, шу сабабли ушбу ҳужжат нафақат Ўзбекистон, балки Европа Иттифоқи учун ҳам гойа муҳимлигини таъкидлади. Бу лойиҳа Ўзбекистонда амалга ошириладиган суд-ҳуқуқ ислохотларини қўллаб-қувватловчи механизмга, кейинчалик эса бошқа соҳалардаги тўб ўзгаришларда фойдаланиш мумкин

бўлган тажриба моделига айланади. Бундан ташқари, лойиҳа Ўзбекистоннинг тегишли ташкилотлари ва Европа давлатлари ўртасида тўғридан-тўғри ҳамкорлик ўрнатиш имконини беради. Лойиҳада иштирок этиш европалик мутахассисларга Ўзбекистон ҳуқуқ тизими билан батафсил танишиш ва ушбу соҳада тўлқунли тажрибани ўрганишда қўл келади. Шу тариқа бу жараён бир-бирини бойитишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги ва Олий суд ҳузуридаги тадқиқот маркази лойиҳани амалга ошириш бўйича миллий ҳамкорлар ҳисобланади. Европа Иттифоқидан уни бажаришда ГФР Федерал адлия вазирлиги ҳузуридаги Германия халқаро ҳуқуқ ҳамкорлиги жамғармаси, Германия халқаро ҳамкорлик жамияти, Франция халқаро ҳуқуқ ҳамкорлиги агентлиги ва «Шимолий Ирландиянинг хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик» ташкилоти иштирок этмоқда.

«Жамғармаси Ўзбекистон билан 2008 йилдан буён ҳамкорлик қилиб келмоқда», — дейди ГФР Федерал адлия вазирлиги ҳузуридаги Германия халқаро ҳуқуқ ҳамкорлиги жамғармаси директори Дирк Миру. — Утган вақт мобайлида қўллаб қўшама лойиҳалар амалга оширилди. Бу галги ўзига хос ва кенг қамровли лойиҳа ҳуқуқий ислохотларнинг барча масалаларини ўз ичига олган бўлиб, қўшама менежмент билан ажралиб туради ва энг муҳими, биргаллик тажриба тўлашнинг кўзда тутади. Уни тайёрлаш давомида Ўзбекистоннинг ушбу тизимини янада демократлаштириш ва либераллаштириш бўйича ислохотларни чуқурлаштириш тарафдори эканига ишонч ҳосил қилдик.

Конференцияда лойиҳа амалга ошириладиган дастлабки йилдаги вазибалар ижроси бўйича ҳаракатлар режаси ҳам муҳокама этилди. Чунончи, Ўзбекистон Адлия вазирлиги билан ҳамкорликни ривожлантириш доирасида ҳуқуқий базани, жумладан, «Хабас корпус» институтини қўллашни кенгайтириш бўйича базани тақомиллаштириш, ҳуқуқшунослар малакасини ошириш учун масофадан туриб ўқитиш тизимини ва ҳуқуқ ҳужжатлари электрон кутубхонасини ташкил этиш, кадрлар тайёрлаш бўйича ҳамкорликдаги ишларни йўлга қўйиш, шунингдек, миллий ва Европа тажрибаси асосида илмий тадқиқотлар ўтказиш белгиланган.

«Ўзбекистонда амалга оширилган ислохотлар ва уларнинг натижалари истиқболдаги ўзгаришлар учун яхши асос бўлади», — дейди лойиҳа эксперти Клаус Хюнтер (Германия). — Мамлакатимизда ўлим жазосининг бекор қилинганлиги, «Хабас корпус» институтининг жорий этилгани, шунингдек, ҳибсга олиналарнинг ҳуқуқий аҳолини яхшилашни ана шундай самарали натижалар сирасига киритиш мумкин. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Ўзбекистон ҳуқуқ соҳасини ислох қилишда катта тажрибага эгадир. Биз бу ерга нималарнидир ўргатиш учун эмас, балки Европа давлатларидаги энг яхши амалиёт билан ўртоқлашиш ва ўз навбатида, сизларнинг кўп йиллик тажрибанингизни ўрганиш учун келганмиз».

Хорижий экспертларнинг фикрича, Ўзбекистон Президентини томонидан ишлаб чиқилган концепцияга мувофиқ суд-ҳуқуқ соҳасини илмий демократлаштириш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар инсон ҳуқуқ ва эркинликларини янада самарали таъминлаш, шунингдек, мамлакатни модернизация ҳамда ислох қилишни жадаллаштиришга хизмат қилаётир.

Мухтасар айтганда, конференция қатнашчилари Ўзбекистоннинг суд-ҳуқуқ тизимини ислох этиш борасида эришган утуқлари ва бу жараёнда тўлқунли тажрибасига юксак баҳо бердилар. Иштирокчиларнинг умумий фикрича, давлатимиз раҳбари томонидан Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган чора-тадбирларнинг ҳаётга татбиқ этилиши Ўзбекистонда демократик илмий ислохотларни кенгайтириш учун мустақам асос бўлиб хизмат қилади.

Анна ИВАНОВА, ЎЗА мухбири

СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОХОТЛАРИ – МАМЛАКАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ

янада демократлаштириш ва либераллаштириш бўйича ислохотларни чуқурлаштириш тарафдори эканига ишонч ҳосил қилдик.

Конференцияда лойиҳа амалга ошириладиган дастлабки йилдаги вазибалар ижроси бўйича ҳаракатлар режаси ҳам муҳокама этилди. Чунончи, Ўзбекистон Адлия вазирлиги билан ҳамкорликни ривожлантириш доирасида ҳуқуқий базани, жумладан, «Хабас корпус» институтини қўллашни кенгайтириш бўйича базани тақомиллаштириш, ҳуқуқшунослар малакасини ошириш учун масофадан туриб ўқитиш тизимини ва ҳуқуқ ҳужжатлари электрон кутубхонасини ташкил этиш, кадрлар тайёрлаш бўйича ҳамкорликдаги ишларни йўлга қўйиш, шунингдек, миллий ва Европа тажрибаси асосида илмий тадқиқотлар ўтказиш белгиланган.

«Ўзбекистонда амалга оширилган ислохотлар ва уларнинг натижалари истиқболдаги ўзгаришлар учун яхши асос бўлади», — дейди лойиҳа эксперти Клаус Хюнтер (Германия). — Мамлакатимизда ўлим жазосининг бекор қилинганлиги, «Хабас корпус» институтининг жорий этилгани, шунингдек, ҳибсга олиналарнинг ҳуқуқий аҳолини яхшилашни ана шундай самарали натижалар сирасига киритиш мумкин. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Ўзбекистон ҳуқуқ соҳасини ислох қилишда катта тажрибага эгадир. Биз бу ерга нималарнидир ўргатиш учун эмас, балки Европа давлатларидаги энг яхши амалиёт билан ўртоқлашиш ва ўз навбатида, сизларнинг кўп йиллик тажрибанингизни ўрганиш учун келганмиз».

Хорижий экспертларнинг фикрича, Ўзбекистон Президентини томонидан ишлаб чиқилган концепцияга мувофиқ суд-ҳуқуқ соҳасини илмий демократлаштириш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар инсон ҳуқуқ ва эркинликларини янада самарали таъминлаш, шунингдек, мамлакатни модернизация ҳамда ислох қилишни жадаллаштиришга хизмат қилаётир.

Мухтасар айтганда, конференция қатнашчилари Ўзбекистоннинг суд-ҳуқуқ тизимини ислох этиш борасида эришган утуқлари ва бу жараёнда тўлқунли тажрибасига юксак баҳо бердилар. Иштирокчиларнинг умумий фикрича, давлатимиз раҳбари томонидан Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган чора-тадбирларнинг ҳаётга татбиқ этилиши Ўзбекистонда демократик илмий ислохотларни кенгайтириш учун мустақам асос бўлиб хизмат қилади.

Транспорт

«МЕРСЕДЕС»ЛАРДАН ЙЎЛОВЧИЛАР МАМНУН

Маълумки, «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси ва «ЭвоБус ГмбХ» компанияси ўртасида тузилган шартномага кўра, Тошкент шаҳрини қўшимча равишда автобуслар билан таъминлаш тадбирлари қўрилди. Ўзаро келишув асосида «Мерседес-Бенц» русумли автобуслардан 200 таси харид қилинди.

Ҳар томонлама афзалликларга эга тезорар «Мерседес»лар мутахассисларга, ҳайдовчи ва йўловчиларга ҳам бирдек манзур бўлаётир. — Ушбу автобуслар олдинги транспорт воситасига нисбатан замонавий қўришни, ҳайдовчилар учун бошқарув тизими қулайлиги билан ажралиб туради, — дейди «Мерседес-Бенц» сервис хизмат кўрсатиш маркази мутахассиси Равшан Зоиров. — Ҳайдовчи саломи жиҳозларини айтмайисизми. Салонда совишти, иситиш тизими ва бошқарув тизими автоматлаштирилган.

Автобуслар бошқарувида компьютер ўрнатилган бўлиб, у ҳайдовчиларни барча тизимларнинг техник ҳолати, ишлаш жараёни бўйича огоҳлантириб туради. Айни вақтда бошқарув чамбарини айлантириш қўлай, ўриндиқлари ҳайдовчи бошқариш учун мослашадиган, ҳаво тизимида ишловчи жиҳозлар билан таъминланган.

Яна бир қулайлиги шундаки, автобуслар пол қисми пастлаштирилган турдаги транспорт воситаси бўлгани учун йўловчиларнинг қийиқ-тушиши, юк ва махсус аравачаларни ортиш учун қулайлик яратади.

ҲАМКОРЛИК ШАРТНОМАСИ — АМАЛДА

Таълим соҳасида ўзаро ҳамкорлик шартномаси доирасида ўқув-маслаҳат маркази ўз фаолиятини бошлади. Нью-Йорк шаҳрида жойлашган АСА институти билан Тошкент Ахборот технологиялари университети ўртасидаги шартнома асосида ташкил топан бу йилги маскан «ТАТУ-АСА» (ф.р.ч. 37) янада янги таълим маркази деб юритилмоқда.

Шуни эслатиб ўтиш жоизки, АСА институтида ўқитиш тизими ахборот технологиялари, компьютерда дастурлаш, бизнес бошқаруви, ахборот технологиялари йўналишлари бўйича таълим тайёрлови, амалиёт тажрибалари асосида олиб борилади. Ўзаро келишувга биноан марказда АСанинг қисқа муддатли ва интенсив курсларини жорий этиш режалаштирилди. Шу мақсадда у АСА институти томонидан компьютер ва телекоммуникация жиҳозлари билан таъминланди. Шу билан бирга профессор-ўқитувчи ва талабалар алмашинуви йўлга қўйилди.

АСА институтининг даражали дастурларига эга бўлишда қўмаклашиш ва маслаҳат бериш ҳам амалга оширилади. Марказга Тошкент Ахборот технологиялари университети биносидан алоҳида жой ажратилиб, ўқув синфлари ташкил қилинди.

Аҳмад АББОСОВ

Таълим

АКАДЕМИЯНИНГ ФАХРИ

Стоматология факультети ўзининг 81 йиллик тарихига эга. 1931 йилда очилган бу билим даргоҳи 1935 йилда Давлат факультети курси сифатида олий ўқув юрти таркибига киритилган. 2005 йили Тошкент Тиббиёт академияси ташкил этилиши муносабати билан стоматология факультети фаолияти доираси кенгайиб кетди.

Эндиликда бу ерда ўндан ортиқ кафедралар фаолият кўрсатмоқда. Уларда 30 га яқин фан доктори, 75 фан номзоди, 90 га яқин ассистент ва ўқитувчилар таълим жараёнларини олиб боришмоқда.

Ўқитиш касбий кафедралар негизда, яъни шахримизнинг энг яхши стоматологик поликлиникаларида ҳам олиб боришмоқда. Шунингдек, стоматологик илмий-амалиёт марказлари билан яқин алоқа ўрнатилган. Факультетнинг халқаро алоқалари йил сайин кенгайиб бормоқда. Жанубий Корея, АҚШ, Туркия, Россия федерациясининг стоматологик марказлари ҳамда ассоциациялари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Шу ўринда Жанубий Корея стоматологлар уюшмаси билан алоқа ўзининг яхши натижаларини бераётганини таъкидлаш ўринли. Мана, ўн йилдирики, бу мамлакат стоматолог мутахассислари билан ҳамкорлик ўрнатилган. Ўзаро келишувга биноан корейлик мутахассис профессор-ўқитувчилар таркиби ва талабалар учун семинарлар ўтказилмоқда.

1996 йилдан бошлаб факультетнинг энг яхши талабалари учун корейлик машҳур олимлар номидан стипендиялар таъсис этилди. Шунингдек, «Проктер энд Гембл» компанияси стипендиясига сазовр бўлган иқтидорли талабалар ҳам бор.

Ойноз ГАНИЕВА

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамда «Камолот» ЁИҲ, «SSP-Exprocontact» МЧЖ ва Бандликка қўмаклашиш маркази ҳамкорлигида ташкил этилган «Таълим ва мутахассислик-2012» VII халқаро кўргазмаси кеча ўз ишини бошлади.



«Таълим ва мутахассислик — 2012»

ЮТУҚЛИК НАМОЙИШИ

Мамлакатимизда ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, ёшларнинг таълим олишига бўлган алоҳида эътибор давлат сийсати даражасига кўтарилгани кўни кеча юртимизда ўтказилган «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган алоҳиди тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққиёт этириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт» мавзусидаги халқаро конференцияда ҳам жаҳон ҳамкамияти томонидан кенг эътибор этилиб, юксак баҳоланди.

«Таълим ва мутахассислик-2012» номли халқаро кўргазма ҳам юртимизда бу борада амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг яна бир амалий исботидир. Ушбу аънаваний тарзда ўтказиб келинаётган кўргазма касбий таълим ва меҳнат бозорини ижтимоий аҳамиятга эга тадбирга айланиб улгурди. Етти йил давомида юртимизнинг 35 дан ортиқ олий ўқув юртини, 40 та ўқув марказини ҳамда Осий ва Европанинг қатор етакчи ўқув муассасаларини ўз атрофида жамлади. Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Тошкент Ахборот технологиялари университети, Турин политехника университети, Москва Давлат университети филиали, Тошкент Автомобиль йўллари институти, Урганч Давлат университети, Андижон Машинасозлик институти ва бошқалар шулар жумласидандир.

Шунингдек, билан ривожланиб бораётган даврда таълим тизими вақтинчалик ва масофавий чегаралар билан боғлиқ тўсиқларни тўлиқ енгиб ўтди десак муболаға бўлмайдми, — дейди Савдо-саноат палатаси матбуот котиби Дилфуза Рўзметова. — Кўргазманинг бирламчи вазибаларида бири, бу — касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей битирувчиларининг касб таллашга бўлган эҳтиёжларини янада ошириш, қолаверса, хорижда тахсил олиш ёки тил ўрганиши ҳоҳловчиларга қўмаклашиш ва бу борада тавсиялар беришдан иборат. Бундан ташқари, тадбирда ёш авлод вакиллари касбга йўналтириш, бўш вақтларини умумий ўтказишлари йўлида меҳнуд имкониятларни кўрсатиш ва бандлик масалаларини ҳал этиш, таълим жараёнидаги энг сўнгги ютуқларни кўргазмали тарзда намойиш қилишга алоҳида эътибор

қаратилган бўлиб, «Ифратли келин», «Карьера» корхоналари ва «Камолот» ЁИҲ қошида ташкил этилган «Ёшлар ижтимоий хизматлар ўқув маркази» ва бошқалар бир неча йилдан буён ўзининг самарали иштироки билан ёшларга манзур бўлаётир. Қолаверса, йилгит-кўзларнинг чет элда таълим олиши ёки малака ошириши, бакалавр, магистрлик дипломларига эга бўлишлари учун ҳам юртимизда кенг имконият яратилганлиги кўргазмада иштирок этаётган олий таълим муассасаси ёки ўқув курслари мисолида кўриш мумкин.

Бизнинг мақсадимиз шаҳримизда тил ўрганиш ва билимларини мукамаллаштиришга эҳтиёжи кўчи бўлган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, — дейди УИС ўқув маркази директори Феруза Абиджанова. — «Профессиянал, сифатли, намунали» шiori остида ўқув марказимизда юксак билим ва малакага эга бўлган, хорижда тахсил олган мутахассис-ўқитувчилар ёшларга инглиз тилини мукамал ўрганишда яқиндан ёрдам берадилар. Шунингдек, чет элда ўқишни давом эттиришни истаганлар учун Вазирлар Маҳкамасининг рухсати асосида қатор хориж таълим муассасалари билан ҳам бир қанча келишувлар имзоланган. Бу бизнинг марказда таълим олаётганларга қўшимча имкониятлар яратилиши шубҳасиз. Чунки, бизда ўқитилган чет эл университетларига кириш учун зарур бўлган IELTS, TOEFL ва бошқа имтиҳонларни топшириш борасида махсус тайёрларидан ўтадилар. Кўргазмада иштирок этишдан мақсадимиз ҳам барча билимга иштлиги билан бўлган ёшларни жалб этиш ва келажакдаги мақсадларини босқичма-босқич амалга оширишда қўмаклашишдан иборат.

Дарҳақиқат, бугунги кунда амалга оширилаётган бу каби самарали ислохотларни қўриб, Юртимизимиз таъбири билан айтганда, Ўзбекистон иқтисодий шарофати билан қўшама муддат ичида дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш ва мамлакатимиз аҳолиси учун муносиб ҳаёт шaroитини яратиш йўлида улкан қадам қўйди деб айтишга барча асосларимиз бор.

Садоқат АСЛАНОВА

АХБОРОТ СОҲАСИ ТАРАҚҚИЙ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари, нашриётлар ва матбаа корхоналарининг ривожланиш йўналишларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан ташкил этилди.

Оммавий ахборот воситалари фуқаролик жамияти институтлари тизимини шакллантириш, мамлакатни модернизация ва ислох қилиш, фуқароларнинг сийсий, ижтимоий фаоллигини ошириш, амалга оширилаётган ислохотларнинг қатламларига етказиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда муҳим ўрин тутди. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз ахборот бозори иштирокчиларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлаш, уларнинг жаҳон стандартлари даражасида фаолият юритишлари учун зарур шарт-шaroитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Ахборот эркинлиги принциплари ва қоболатлари тўғрисида»-ги қонунлар ва бошқа бир қатор қонунчилик ҳужжатларига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш бўйича аниқ чоралар белгилаб берилган.

Айни пайтда оммавий ахборот воситалари фаолияти самарадорлигини ошириш ва иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида», «Оммавий ахборот воситалари давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қоболатлари тўғрисида», «Телевидеошартиришлар тўғрисида»-ги қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарур.

Матбуот анжуманида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Бош директори Бобур Алимов қўрилаган ана шундай чора-тадбирлар самарасида мамлакатимизда оммавий ахборот

рот воситалари, нашриёт ва матбаа компанияларининг сони ортиб, иш сифати яхшиланиб бораётганини таъкидлади. Агар 1991 йилда Ўзбекистонда 395 оммавий ахборот воситаси фаолият кўрсатган бўлса, 2012 йилнинг 1 январига келиб ушбу кўрсаткич 1254 га етди. 706 та газета, 255 та журнал, 16 та ахборот бюллетени, 4 та ахборот агентлиги, 64 телеканал ва 26 радиоканал, 173 вебсайт шулар жумласидандир.

Шу билан бирга, йил сайин нодавлат ахборот воситаларининг сони кўпайиб бормоқда — бугунги кунда бу кўрсаткич 739 тани ташкил этмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг «Ноширлик фаолияти тўғрисида»-ги қонуни, Вазирлар Маҳкамас

Президентимиз Ислон Каримовнинг «Юксак маънавият – энгилмас куч» асарида навқирон авлод маънавиятини юксалтиришда эстрада санъатининг аҳамияти беқиёс экани, ёшларнинг бадиий-эстетик дидини тарбиялашга, уларни «оммавий маданият»нинг зарари таъсиридан ҳимоялашга хизмат қилувчи пухта муסיқий асарларни яратиш ижод аҳли зиммасига катта масъулият юклаши алоҳида таъкидланган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамкорлигида ташкил этилган «Миллий эстрада санъати: шоир, бастакор ва хонанда ҳамкорлиги – давр талаби» мавзудаги давра суҳбатида ижодкорларнинг бу борадаги долзарб вазифалари атрофида муҳокама этилди. Унда шоирлар, маънавият тарғибчилари, санъаткорлар, ёш ижрочилар, бастакорлар, ижодий ташкилотларнинг вакиллари, журналистлар иштирок этди.

Инсон маънавиятига беқиёс таъсир кўрсатадиган муסיқа санъатини, хусусан, миллий муסיқа санъатини ёшлар калби ва онгида эзу фазилатларни шакллантиришдек улғувор

лоднинг истеъдодини ҳар томонлама камол топтириш, маданий савиясини юксалтиришда муҳим омили бўлмоқда. Мазкур қарорнинг ҳаётга изчил татбиқи этилиши самарасида болалар муסיқа

Юксак маънавият – энгилмас куч

ЯХШИ ҚЎШИҚ – ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИК МЕВАСИ

мақсадлар билан уйғун ҳолда ривожлантириш бу жараёнда алоҳида аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Болалар муסיқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори муסיқий таълимни давр талабига мос тарзда такомиллаштириш, ёш ав-

ва санъат мактаблари фаолияти янада ривожланмоқда. Мазкур соҳага ихтисослашган олий ва ўрта махсус таълим масканларида ўқитиш юксак мезонлар асосида йўлга қўйилиб, муסיқаннинг турли жанр ва йўналишларига ихтисослашган ижодий студиялар ташкил этилаётди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ва бошқа бир қатор ижодий ташкилотлар ҳамкорлигида ёш ижрочилар, шоир ва

бастакорларни қўллаб-қувватлашга доир кўплаб ижодий лойиҳалар, кўриктанловлар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бунинг самараси ўларок, юқори савияли, бадиий жиҳатдан пухта қўшиқлар яратилмоқда.

Шу билан бирга, баъзи ёш хонандалар томонидан муסיқа, шеърят, саҳна талабларига жавоб бермайдиган, овоз ва ижро жиҳатдан саёз, матни энгил-елпи сўзлардан иборат савияси паст қўшиқлар, миллий менталитетимиз, ахлоқий қарашларимизга, умрбоқий қадриятларимизга зид клиплар яратилаётгани санъат ихлосмандлари, кенг жамоатчиликнинг жиддий эътирозига сабаб бўлмоқда.

– Муҳлисларга манзур бўладиган яхши қўшиқ, аввало, бадиий жиҳатдан пухта шеърдан яралади, – дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артисти Абдулла Шомарупов. – Юксак савияли қўшиқни тингловчига тақдим этишдек эзгу мақсад биз, санъат аҳлини бастакор, хонанда, шоир ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтиришга, зийрак ва айни дамда нозик дидли халқимиз олдидаги, ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси учун масъулиятни астойдил ҳис этишга ундайди.

Давра суҳбатида шоир, бастакор ва хонандалар ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, бу борада ишларни тизимли тарзда йўлга қўйиш, доимий мувофиқлаштириб боришга оид долзарб вазифалар белгилаб олинди.

**Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири**

Республикамизда алоқа соҳасида мустақиллик йилларида туб ўзгаришлар амалга оширилди. Йилдан йилга унинг тузилмаси такомиллаштириб бормоқда. Жумладан, соҳанинг йирик тузилмаларидан бири бўлиб «TOSHKENT SHAHAR TELEFON TARMOG'U» (ТШТТ) «Ўзбектелеком» акционерлик компаниясининг энг йирик филиали бўлиши баробарида жаҳон ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) ривожланиши тенденциялари билан ҳамоҳанг қадам ташламоқда, айни пайтда соҳанинг энг сўнгги ютуқларини кундалик ҳаётимизга жорий этмоқда. Филиалнинг тижорат масалалари бўйича директор ўринбосари Аҳрор МУҲИТДИНОВ бу ҳақда бизга куйидагиларни сўзлаб берди:

– Тошкент шаҳри телефон алоқасининг тарихи 1887 йилдан бошланган – ўша йили шаҳарда биринчи телефон ўрнатилган эди. 1914 йилга келиб, Тошкентда 942 та абонентлик рақами бор эди. 1991 йилда шаҳарда умумий сизими 382,6 мингта рақамга тенг, декада-кадамда станциялар (25 фоиз) ва координата станциялари (75 фоиз) фаолият юрлатар эди. Бу кўрсаткичлар йирик шаҳар учун камлик қилар эди, айни пайтда координата станциялари маънан ва техник жиҳатдан эскирган эди. Оқибатда пойтахт телефон тармоғи шайхон аҳолиси талабларига жавоб бера олмай қолди. Янги абонентларни улаш учун узоқ вақт навбатда туриш талаб қилинар эди.

ахратиш эвазига алоқа корхонаси томонидан қолланади.

Абонентлар таклифига кўра ва янада кўпроқ қулайликлар яратиш мақсадида маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро алоқа хизматлари учун ҳақ тўлашнинг ягона, ҳисоб-китоб қарталари жорий қилинди. Улар харид қилиниб, активизация этилгач, сумма абонентнинг шахсий ҳисобрақамига келиб тушади ва ҳақ тўлаш учун шохобчаларга бориш шарт эмас.

Шуни қайд этиш керакки, телефонни ўрнатиш пайтида фуқароларнинг айрим тоифалари ўн имтиёзлар кўзда тутилган. Хусусан, жисмоний имконияти чекланган болаларнинг уй-интернатлари учун телефон алоқасидан фойдаланганлик учун абонентлик ҳақи умуман ўндирилмади.

Ҳозирги пайтда ТШТТ – бу универсал телефон оператори бўлиб, ҳам ўз абонентларига, ҳам бошқа операторлар, Интернет-провайдерлар, уяли алоқа компанияларига кенг турдаги ахборот-коммуникация хизматларини кўрсатади. Янги авлод NGN-тармоқлар, FTTB технологияси бўйича (уй-

Электрон АТСлар негизда замонавий коммутиация жиҳозларини жорий этишга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ўтган йили Тошкентда умумий сизими 90 мингта рақамни ташкил этувчи қиймати кўрсатилган NGN тармоғини яратиш учун жиҳозлар ўрнатилган. Бу ҳол абонентларга юқори тезликдаги Интернет ва видеотелефониядан фойдаланиш имкониятини берди. Бунинг учун абонентларимизга биз билан тузилган шартнома амал қиладиган мuddатда видеотелефонлар бепул берамиз.

Филиалимиз томонидан ADSL технологияси бўйича Интернет тармоғига кенг қўламли ва юқори тезликда улашни таъминлаш бўйича кенг салмоқли ишлар олиб борилмоқда. Бу усул битта телефон линиясида Интернетда ишлаш ва айни пайтда телефондан фойдаланиш имконини беради. 2010 йилнинг бошида ушбу технологиядан фойдаланиш учун шаҳарда умумий сизими 9100 та номердан иборат ўсқуналар ўрнатилган бўлса, 2012 йил январь ҳолатига кўра бу кўрсаткич 24 мингга етказилди. Алоқа узелларининг замонавий ва ишончли ADSL-ўсқуналари билан жиҳозланиши, бу йил умумий сизимни 44 мингга етказиш имконини беради.

Яқинда «Call-Center» номини олган «09» маълумотлар хизмати, модернизациялаш натижасида аҳолига пазандачилик рецептиларини танлаш, табриклар, кичкинтойлар учун эртак ўқиб бериш ва ҳ.з. хизмат турларини кўрсатмоқда. Бугунги кунда бу хизмат тури операторларнинг кенг қўламли маълумотлар базасидан фойдаланиши натижасида керакли манзил ёки телефон рақамини айтиб бериш билан бирга, у ерга қандай етиб бориш мумкин, қайси турдаги транспортдан фойдаланиш қулай эканлиги ҳақида маълумот берилади. Ўтган йилнинг ўзида «Call-Center» хизмати томонидан абонентларга 4,2 миллионга турли маълумотлар тақдим қилинган.

Мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қулайлик яратиш мақсадида ўтган йили биз «бир дарча» тамойили бўйича савдо қилувчи тўққизта брендирланган абонентлик сотув офисларини очдик. Эндиликда абонентларнинг телефон ёки Интернетни улаш ва ҳақини тўлаш учун бир неча жойга бориб юришларига ҳожат йўқ. Буни бир офиснинг ўзида амалга ошириш мумкин. Бундай офислар ходимлари учун маълумотлар базаси ва ягона биллинг тизимига эга энг сўнгги русумли компьютерлар ўрнатилган. Жорий йилда яна саккизта шундай офисларни очиш режалаштирилган.

Ижтимоий лойиҳаларда иштирок этишни ҳам унутганимиз йўқ. Хусусан, пойтахтимиздаги барча мактаблар филиалимиз тармоғи орқали Интернетдан фойдаланиш имкониятига эга. Бундан ташқари, шаҳарнинг барча олий ўқув юртлигига оптик толали алоқа линиялари ўтказилган.

Ҳар йили Тошкент Ахборот технологиялари университети, турдош коллежлар ва филиалимиз ўртасида ўқувчи ва талаба ёшларнинг филиалимизда амалиёт ўташи бўйича шартномалар тузилади. Ўтган йилнинг ўзида 192 нафар талаба ва 1283 нафар коллежлар ўқувчилари филиалимизда ишлаб чиқариш амалиётини ўтаб, телекоммуникация хизматлари тўғрисидаги билимларини бойитди. Бундан ташқари, «Ўзбектелеком» АК ўқув марказида 2454 нафар талаба ва коллеж ўқувчилари тахсил олди.

Филиалимиз ходимларининг малакасини ошириш масаласига келсак, ўтган йили турли ўқув курсларида 1389 нафар мутахассис таълим олган.

ТШТТнинг келгуси режалари ҳам катта. Жумладан, учинчи авлод тармоғини кенгайтириш, янги қулай тарифларни жорий этиш, қўшимча хизмат турларини таклиф этиш, муттасил алоқа сифатини яхшилаб бориш абонентларимизнинг энг юқори талабларини қондиришга йўналтирилган. Айни пайтда филиалимиз сотувлар ва сервис офислари тармоғини кенгайтириш орқали хизмат кўрсатиш даражасини янада оширишни режалаштирмоқда.

Малик АХАТОВ ёзиб олди

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДА

Ўзбекистон авиаходимлари касоба уюшмаси «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиаконаняси, Ўзбекистон Республикаси Давлат авианазорати, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Гидрометеорология хизмати маркази, Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамда қатор аэропортларнинг махсус таълим муассасалари ва бирламчи касоба кўмиталарини бирлаштирди. Касоба уюшмаси таркибига қарий 22 минг аъзони бирлаштирган 25 та бирламчи касоба кўмитаси фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон авиаходимлари касоба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Ш.Мингалиев ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқаро авиацияси ва гидрометеорология соҳасини ривожлантириш уюшмасининг асосий вазифаси ҳисобланади, деб таъкидлади.

Ўзбекистон авиаходимлари касоба уюшмаси барча даражадаги иш бевуричлар билан ижтимоий шериклик тамойиллари асосида фаолият юритиб келмоқда. Шерикат қонунчилигига риоя қилиниши устидан назорат, корхоналарда ишчиларга меҳнат ҳуқуқлари, имтиёзлар ва қадфоллар тақдим этиш, уларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, ҳодимларнинг муружатларини кўриб чиқиш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича жамоа шартномаларининг амал қилиши каби жиҳатларга кўра ходимларнинг ҳуқуқий манфаатлари ҳимоя қилинмоқда.

Бу борада соғлом ва хавфсиз меҳнат шартноллари, қулай ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тармоқ касоба уюшмаси ва Ўзбекистон Касоба уюшмалари федерацияси кенгаши ҳамкорлигида ижтимоий тўловларни кенгайтириш ва уювчиларнинг меҳнат муҳофазаси қирдаларига риоя этиш бўйича самарали ишлар амалга оширмоқда.

Ишчилар ва уларнинг оила аъзолари жисмоний саломатлигини мустаҳкамлаш ижтимоий муҳофазанинг муҳим жиҳатларидан биридир. Жисмоний тарбия ва спорт, касоба уюшмалари, ёшлар ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида жисмоний тарбия сифатини ошириш, ходимларни жисмоний маданият ва спорт машғулотидаги жалб қилишга доир дастурлар амалга оширилмоқда. Алоҳида дастурлар бўйича ходимларнинг оила аъзолари ва ёшлар учун спорт тадбирлари ўтказиб келинмоқда. Президентимиз томонидан жорий йилнинг Мустаҳкам оила йили деб эълон қилиниши муносабати билан оилалар, айниқса, ёш оилаларнинг мустаҳкамлигини сақлашга қаратилган тадбирлар ташкил этилмоқда. Ёш оилаларга ипотека ва истеъмол кредитлари ажратилмоқда, меҳнат фариҳлари учун хайрия акциялари ташкил этилиб, тахсил оладиган ёшларга стипендиялар, шартнома пулини тўлаш учун ёрдам пули ажратилмоқда. Касоба уюшмалари аъзолари дам олиш шихатгоҳлари, болалар оромгоҳлари бориш учун йўланма олиш бўйича бериладиган турли имтиёزلардан тўла фойдаланмоқда.

Тармоқ касоба уюшмаси фаоллари хорижий ҳамкасбларининг тажрибасини ўрганиш, уларнинг долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш усуллари билан танишиш имкониятига эга.

**В.НИКОЛАЕВ,
ЎЗА муҳбири**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Respublika Mulk Markazi» ЕАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этилади!

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар, Олмазор тумани ЖАМБ судининг 2011 йил 25 мартдаги ҳужмига асосан «ALP JAMOL BANK» ХОАТБ тутатиш комиссияси томонидан «ALP JAMOL BANK» ХОАТБ балансида бўлган қуйидаги мулклар кўйилмоқда.

1. Тошкент шаҳар Сергели туманида сакланган «K-147225 A913A Massey Ferguson MF-8160» русумли, 1999 йилда и/ч трактор ва 10 та корпусли плуг. Бошланғич баҳоси – 301 044 228 сўм.

2. Тошкент шаҳар, Отатурк кўчаси, 21-уй манзилида сакланган: 1) Компютер, принтер, сферокөпия ва бошқалардан иборат бўлган жами 533 турда ортехника воситалари (руйхат асосида). Бошланғич баҳоси – 124 380 579,3 сўм; 2) Халқаро Процессинг маркази учун махсус пластик картонка усқунаси (Специализированное картонное оборудование для Международного Процессингового центра, согласно списка). Бошланғич баҳоси – 263 703 387,6 сўм; 3) Махсуслаштирилган пластик картонкалар усқунаси (Специализированное картонное оборудование согласно списка). Бошланғич баҳоси – 154 914 647,1 сўм; 4) Ахборот каналларининг электрон ҳимоя комплекси (Электронный комплекс защиты информационных каналов связи). Бошланғич баҳоси – 95 971 427,9 сўм; 5) «Priority Pass» ва «JARA» дисконт карталари (Дисконтные карты «Priority Pass» и «JARA» и сопроводительные наборы). Бошланғич баҳоси – 54 432 496 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 26 март кун соат 12:00дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш қўнари соат 10:00 дан 16:00 гача қарул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2012 йил 23 март кун соат 18:00. Савдога қўйилган усқуналар билан бевосити тегишли жойга чиқиб танишиш мумкин.

Юқоридаги мулклар 2012 йил 26 мартдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 2 ва 9 апрел кунлари соат 12:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2012 йил 2 апрелдаги такрорий савдолар учун 2012 йил 30 март кун соат 18:00; 9 апрелдаги савдолар учун 6 апрел кун соат 18:00.

Савдо голиби деб топилган шахсга 10 иш кунини ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини «Respublika Mulk Markazi» ЕАЖнинг ОАИКЕ «Ипак йўли банки» Сербон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамга тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МҒФ: 01036, ИИН: 200933850. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, 1-Қорақамш кўчаси, 1А-уй.

Мулкдорлар дисконтга! Сиз учун имконият.

Илғор технологиялар – ҳаётга АЛОҚА ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

лар гуруҳлари учун оптика) оптик-толали алоқа линияларини жорий этиш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Улар фойдаланувчиларга энг замонавий ва юқори сифатли алоқа хизматларини, шу жумладан, Интернет-ресурслардан юқори тезликда фойдаланиш, телефон тармоқлари орқали IPTV хизматларидан (рақамли телевидение), видеотелефониядан фойдаланиш имконини бевурич хизмат турлари тақдим қилиш имконини берамоқда. «Оптик толали алоқа – уйга» синов лойиҳасини 2010 йилдан буён амалга ошириб келаямиз. Бугунги кунга келиб, 1375 та турар жойга 1475 километр оптик толали алоқа линиялари тортилган, ТШТТнинг ушбу янги технологиядан фойдаланувчи абонентларининг сони 735 тага етди. Жорий йилда яна 1709 та объекта оптик толали алоқа линиялари ўтказилади, 2015 йилнинг охиригача эса бу технологияни бутун шаҳарга татбиқ этмоқчимиз.

Ўтган йилнинг августидан бошлаб «UZONLINE» савдо маркази остида биз чакана савдо ва кичик бизнес сектори учун янги авлод телекоммуникация хизматларини кўрсата бошладик. Улар IP-технологияларга асосланган бўлиб, Интернет, IP-телефония, IPTVдан юқори тезликда улашни, IP-телефония хизматларига ҳақ тўлашнинг универсал карточкаларидан ва Интернетдан фойдаланиш имконини беради ва ҳ.з. Ушбу лойиҳани амалга ошириш асосида фуқаролар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига Интернет тармоғидан кенг қўламли фойдаланиш бўйича ниҳоятда қулай тарифлар таклиф қилинди. Лойиҳа ўтган йилнинг августидан бошланган бўлиб, шундан буён икки маротаба тарифларимизни пасайтирганмиз. Бундан қўзғалган мақсад – аҳолининг кенг қатламларига Миллий оператор ёрдамда Интернетдан сифатли, кенг қўламли фойдаланиш имкониятини яратишдан иборат. Бугунги кунда Тошкент шаҳри бўйича ўн минглаб UZONLINE абонентларига хизмат кўрсатмоқдамиз.

Бугунги кунга келиб, 599840 абонент замонавий рақамли АТСлар хизматларидан фойдаланмоқда ва амалда уларнинг афзалликларини баҳоламоқда: алоқа сифати жиддий равишда яхшиланган ва кенг қўламли кўшимча хизматлар турлари, хусусан, рақамни турмасдан туриб улаш, белгиланган рўйхат бўйича чиқувчи ва кирувчи кўнғироқларни тақиқлаш, аноним кўнғироқларга йўл қўймаслик, паролъ бўйича шаҳарлараро ва халқаро алоқа, чақирувларни бошқа манзилга йўллаш, акралиб туровчи кўнғироқ, WEB-камерадан фойдаланган ҳолда Интернет-алоқа, DVD-R га ёзиш, суҳбат пайтига бошқа рақам орқали суриштириш ва бошқа хизматлар жорий қилинган.

Ҳозирги пайтда биз 600 мингта шаҳар телефон рақамларига хизмат кўрсатмоқдамиз, уларнинг ҳар биридан ўрта ҳисобда 4-5 киши – оила аъзолари, офис ходимлари фойдаланади. Шу тарзда ҳар кун 2 миллиондан 2,5 миллионгача киши хизматларимиздан фойдаланмоқда ва биз уларнинг фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиришга интиломоқдамиз. Шу сабабли бизнинг тарифларимиз таннархидан паст, бу эса аҳолининг барча тоифаларига телефон тармоғи хизматларидан фойдаланиш имкониятини беради, бунда харажатлар юқори даромадли хизматларни кўрсатиш орқали бир-бирига мувофиқ тарзда субсидия

Шайхонтоҳур туман ободонлаштириш бошқармаси 2012 йилда туман кўчаларини жорий таъмирлаш мақсадида асфальт сотиб олиш учун 1 ой мuddатга тендер эълон қилади.

Бизнинг манзил: 100027 Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Ўқчи кўчаси, 123-уй. Тел. 244-29-58.



Спорт — саломатлик гарови



Республика
травматология ва
ортопедия илмий-
текшириш институтида
фаолият юритаётган
спорт жароҳатлари
бўлими замонавий
тиббиёт асбоб-
ускуналари билан
жиҳозланган. Артроскоп
аппарати ҳам
шифокорлар қўлида
ишончли асбоб
ҳисобланади.

Тиббиёт
ҲАМ ТАШХИС
ҚЎЯДИ, ҲАМ
ДАВОЛАЙДИ

Германиядан бўлиб келинган
ушбу мураккаб техника воситаси
ёрдамида елка, тирсак, тизза,
болдир хасталикларини даволаш
жараёнлари амалга оширилмоқ-
да. Айниқса, жароҳатларни таш-
хислашда бу аппарат қўл келаёт-
тир.

— Ушбу тиббий технологиянинг
афзаллиги шундаки, у ҳам ташхис
қўяди, ҳам даволайди. — дейди
шифокор Рўзи Собиров. — Бино-
барин, бўғимлардаги жароҳатлар-
ни аниқлайди ҳамда бир йўла да-
волашда ишлатилади.

Жароҳатланган тоғайни олиш,
зарарланган тоғай қопламга иш-
лов бериш, узилган боғламаларни
тиклаш, хасталанган пардани
олиш, бўғимни ювиш амалиёти ҳам
кузатилади.

Муолажанинг муҳимлиги яна
шундаки, беморларга гипсли боғ-
лам эмас, балки махсус тайёрлан-
ган иммобилизацион шина қўйи-
лади.

Фавқулодда вазиятлар бошқармаси фаолиятдан
МАКТАБЛАРДА ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИ

Шу боис, аҳолини ўз вақтида огоҳ
этиш, уларни фавқулодда вазиятлар-
га тайёрлаш, бирор кўнгилсиз офат
рўй бергудек бўлса, ундан сақланиш
қоидаларини тушунириш, тўғри ҳара-
кат қилишга ўргатиш мақсадида Тош-
кент шаҳар Фавқулодда вазиятлар
бошқармаси Аҳолини ва раҳбарлар
таркибини тайёрлаш маркази ходим-
лари томонидан жойларда тарғибот-
ташвиқот ва тушунириш ишлари олиб
борилмоқда.

Тошкент шаҳар ҳокими — Фуқаро му-
ҳофазаси бошлигининг «Тошкент ша-
ҳар аҳолисини фавқулодда вазиятлар-
дан муҳофиза қилиш ва бундай вазия-
тларда ҳаракат қилиш борасида тай-
ёргарликни амалга ошириш тўғриси-
да»ги қарори ижроси талабларини
таъминлаш мақсадида бошқарма
Аҳолини ва раҳбарлар таркибини тай-
ёрлаш маркази ҳарбий хизматчилари
ва хизматчилари пойтахт туманлари-
да жойлашган умумтаълим мактаб-
ларида қатор учрашувлар ўтказди.

Бу тадбирларни ўтказишдан асосий
мақсад, Тошкент шаҳри ҳудудига жой-
лашган барча ташкилот, корхона, идо-

Спорт янгиликлари

ҲАМИЮРТИМИЗ — ХАЛҚАРО ТУРНИР
СОВРИНДОРИ

Украинада ўтган эркин кураш бўйича Киев халқаро турнирида ўндан зиёд
мамлакатдан икки юз нафарга яқин спортчи совринли ўринлар учун кураш-
ди. Ҳамиюртимиз — жаҳон чемпионати совриндори Сослан Тигиев украин-
лик Олег Белоцерковскийни мағлубиятга учратиб, бронза медални қўлга
киритди.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси

ФАЗЛИДДИН — ОЛТИН МЕДАЛЬ
СОҲИБИ

Венгриянинг Дебрецен шаҳрида бокс бўйича
уюштирилган халқаро турнирда кўраи заминнинг
йигирма бир мамлакатидан келган 114 нафар чарм
қўлқоп устаси турли вазн тоифаларида голиблик
учун кураш олиб борди.

Шуниси қувонарлики, унда юр-
тимиз шарафини 60 килограммга
вазнда Фазлиддин Ғойбназаров му-
носиб ҳимоя қилди. У олтин медаль
учун кечган ҳал қилувчи баҳсда рос-
сиялик боксчи Дмитрий Полянский-

ни мағлуб этди ва турнир голиби
бўлди.

Шунингдек, турнирда иштирок эт-
ган ҳамюртларимиз Сардор Абдул-
лаев ва Рустам Тўлаганов кумуш ме-
даль эгаси бўлишди.

ПАРАЛИМПИАЧИЛАРИМИЗ
МУВАФФАҚИЯТИ

Ўтган йилги мавсумда «Лондон —
2012» Паралимпия ўйинларига бир
йўла саккизта лицензияни қўлга
киритган юртодошларимиз жорий
йилги мавсумни ҳам кўтаринки
руҳда бошлашди.

Қувайтда энгил атлетика бўйича ногиронлар ўрта-
сида уюштирилган халқаро турнирда паралимпиячи-
ларимиз томонидан иккита кумуш медаль қўлга ки-
ритилди. Диск улоқтириш бўйича мусобақаларда Хус-
ниддин Норбеков, ядро улоқтиришда Иван Панафи-
дин иккинчи натижани қайд эттишди.

Финляндиянинг Настока шаҳрида дзюдо кураши
бўйича ногиронлар ўртасида ўтказилган «Пахулаhti»
ўйинларида Шариф Халилов бронза медални соҳиби
бўлди.

Ушбу спортчиларимиз «Лондон — 2012» паралим-
пия ўйинларига йўлланмаларни аллақачон нақд қилиб
қўйишган. Юқорида эришилган ижобий натижалар
спортчиларимизнинг жисмоний тайёргарлиги яхши
эканлигидан далолат беради ва бу турнирлар улар
учун маҳорат мактаби вазифасини ўтади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ЛАБОРАТОРИЯНИНГ АМАЛИЙ ЁРДАМИ

Тиббиёт йўналишида доимий изланиш ва касбий маҳоратни ошириш асосий вазифа
ҳисобланади. Айниқса, бирламчи тиббиёт бўғинидаги фаолиятни янада такомиллаштириш
мақсадида Тошкент Тиббиёт академияси учинчи клиникасига қарашли марказий клиник биокимё
лабораториясида самарадорликка эришилмоқда.

Лабораториянинг кишлоқ врачлик пунктлари билан ҳамкорлиги
яхши йўлга қўйилди. Жумладан, Сирдарё вилоятининг Мирзаобод
туманидаги «Тошкент» кишлоқ врачлик пункти жамоаси лаборато-
рия ёрдамидан баҳраманд бўлмоқда. Лабораториянинг шифокор-
лар учун уюштирилган амалий машғулотлари жараёнида касал-
ликларга ташхис қўйиш амалиёти кишлоқ шифокорларида пухта
билим ҳосил қилди. Айни вақтда лаборатория бўлимида ташкил

этилаётган амалиётлар ҳам самарали бўлаётир. ФЭК анализатори
ёрдамида муолажалар олиб бориш усули ҳам қўл келмоқда.

Узаро фикр алмашув ва тажриба қўламини бойитиш ҳамкор-
ликдаги ишлар сифатини янада яхшилашга ёрдам бераётир.
Лабораториянинг бу савий-ҳаракати академия раҳбарияти томо-
нидан ижобий баҳоланди.

Акбар АЛИЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазири
«Ўзбек Давлат цирки» республика бирлашмаси
Тошкент Давлат цирки
ЦИРКНИНГ АЖОЙИБ СЕҲРИ ОЛАМИ
17 ФЕВРАЛДАН БОШЛАБ
ШОШИЛИНГ!

Томошалар: шанба кунлари соат 15.00,
яшанба кунлари 12.00 ва 15.00да
бошланади.
Мазлумотлар ва жамоавий буюртмаларни
244-35-91, 244-32-23 телефонлари орқали
олишингиз мумкин.
Чипталар цирк кассаларида ва
таркатувчилар томонидан сотилмоқда.
Ҳақ турли шаклда тўланиши мумкин.

Касса соғат 9.00дан 18.00гача ишлайди.

3-ОЗ ЎРГАНИД
ДОМО БИЎЎР

ҲИКМАТ —
ДИД ЧИРОҒИ
ТЎРТЛИКЛАР

Оқилга шунчаки шондан ҳазардир,
Ёвнинг еридаги кондан ҳазардир.
Девона қўлига кишан солмагин,
Унда ҳам кибрли жондан ҳазардир.
* * *

Офтобнинг алами куймаган жонда,
Булбулнинг алами суймаган жонда.
Шабнамни сахрога
сочмагин, Махмуд,
Иймон нима қилсин
тўймаган жонда.
* * *

Ҳалоллик ҳикмати отам сўзида,
Меҳрининг кудрати онам кўзида.
Лекин дилларида бир сўроқ такрор,
«Қай бирин кўрғаймиз болам ўзида».
* * *

Тошган дарёларга тўғонлар хасдир,
Чаёнга чақмоқлик оддий ҳавасдир.
Очининг қулоғида айтилган кўшиқ,
Қуриган қудуқда инграган сасдир.
* * *

Бедил булоғидан бир култум ичдим,
Мен уни сенга ҳам тутаман, дўстим.
Сўзнинг салтанати самода экан,
Зулмат аро гўё кўёшни қучдим.
* * *

Тошга тушган томчи ёрилди,
У лойгамас, тошга қорилди.
Гулим, лойинг қорганда эгам,
Сенга эмас, менга ёр эди.
* * *

Кўнгилнинг тўқилган
шабнами соғинч,
Билмайсан, ошиқнинг ҳар
дами соғинч.
Булбулнинг фарёди бўғзида гуллар,
Мажнунга Лайлининг
малҳами соғинч.
* * *

Оққан дарё қирғоғин ўпар,
Парвоналар чироғин ўпар,
Чавандозлар голиб келганда,
Тулпорининг туёғин ўпар.
* * *

Ўтган ишга дамонгир бўлма,
Тўқилмасанг, шунчаки тўлма.
Ёт кулгини қароққа яшир,
Фамли уйда чирманда чалма.
* * *

Тупроқнинг тилини қулол билмайди,
У ахир гулгамас, лойга ийлайди,
Қарқиноқдан булбул
чиқмаса чиқмас,
Ҳамма Тангри берган
тилда қуйлайди.
* * *

(Давоми бор)
Махмуд ТОИР

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

3-5 даража илиқ бўлади.
Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига қўра,
Тошкент шаҳрида 24 февралда Тошкент шаҳ-
ри об-ҳаво шароити шаҳар ўзгариб туради, ёгингар-
24 февраль кунини ҳаво ҳаво муҳитида зарарли
чилик бўлмайди. Кечаси моддаларнинг бироз йиғи-
ва эрталаб туман лишига имконият ярат-
тушиши эҳтимоли бор. ди. Атмосферанинг ифлос-
Шарқдан секундида 3-8 метр ланиш даражаси 1-3 фоз
тезликда шомол эсади. қўлайиши тахмин қилин-
Ҳарорат кечаси 5 дара- моқда, тағмиқдори паст
жа совуқ, кундузи — бўлади.